

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2009 йил 13 ноябрдаги ПФ-1227-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 4 январь,
ПФ-4164-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2010 йил 4 январдаги
ПФ-4164-сон Фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига киритиладиган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 4 апрелдаги ПФ-3592-сон Фармони 4-илловасининг ўн иккинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лавозими бўйича — Вазирлар Маҳкамасининг Макроиқтисодий ривожланиш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг мудири».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллашти-

риш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 5 октябрдаги ПФ–3665-сон Фармони иловасининг ўн бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лавозими бўйича — Вазирлар Маҳкамасининг Макроиқтисодий ривожланиш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг мудири».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ–4058-сон Фармони 2-иловасининг ўн еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лавозими бўйича — Вазирлар Маҳкамасининг Макроиқтисодий ривожланиш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти мудирининг биринчи ўринбосари, ишчи гуруҳ котиби».